

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
TOSHKENT
ISSIQLIK ELEKTR MARKAZI
AKSIYADORLIK
JAMIYATI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ
ТЕПЛОЭЛЕКТРОЦЕНТРАЛЬ
АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО

П Р И К А З
Б У Й Р У К

от 12.06.2020

г.Ташкент

№ 305

Техника Хавфсизлиги бўйича
кўрик ўтказиш тўғрисида

«Иссиқлик электр станциялари» АЖ 2020 йил 09.06.даги 01-159-сонли буйруғини ижросини таъминлаш мақсадида, ишчи – ходимларнинг хавфсиз иш шароитларини таъминлаш масалаларига бўлган диққатини ошириш ва Техника хавфсизлиги қоидалари талабларини сўзсиз бажарилиши йўли билан шикастланиш даражасини пасайтириш, ишлаб чиқариш ва технологик интизомга риоя қилиш, ҳамда шикастланиш сабабларини бартараф этиш назоратини кучайтириш мақсадида

Буюраман:

1. 2020 йил 25 июндан 25 июлга қадар техника хавфсизлиги бўйича кўрик ўтказилсин, тайёргарлик даври деб 2020 йил 15 июндан 25 июнгача бўлган давр ҳисоблансин.

2. Кўрикни ўтказиш учун тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва натижаларни баҳолаш учун қуйидаги таркибда марказий комиссия тайинлансин:

Раис:

Р.Г.Алистратов – Ишлаб чиқариш бўйича директор

Комиссия аъзолари:

С.М. Максудова – Истиқболли ривожланиш ва капитал таъмир бўйича директор;

Р.Д.Долотқазин – ишлаб чиқариш бошлиғи;

А.А.Абдурахманова – касаба қўмитаси раиси;

Е.Г. Пашаева – ИАЎЦ устаси, ММ бўйича масъул;

Е.С.Анненкова – ИЧТБ бошлиғи.

Марказий кўрик комиссияси 2020 йил 17.06.га қадар кўрик даври учун иш режаси ишлаб чиқилсин.

3. Цех кўрик комиссиялари, вахтали режимини амал қилиш даврида «Тошкент ИЭМ» АЖ ҳудудида бўлган ишчи – ходимлари таркибидан цех фармойиши билан вахатли смена таркибида тайинласин.

4. Кўрикни асосий вазифалари деб қуйидагилар ҳисоблансин:

- ишчи – ходимлар томонидан меҳнат, ишлаб чиқариш ва технологик интизомга риоя этилишини назоратини кучайтириш, иш жойлари текширилган вақтда йўл қўйилган хатоликлар учун кўриладиган чораларни кучайтирган ҳолда;

- ўқитишни ташкиллаштириш ва ишчи – ходимларни касбий маҳоратини хизмат кўрсатиш ускуналари бўйича танловлар ўтказиш йўли билан ишчи – ходимларни билим даражасини ошириш, улар томонидан меҳнатни хавфсиз шароитларини ташкиллаштириш

- раҳбар ходимларини ишчи – ходимлар билан амалдаги ҳужжатларга мувофиқ ишларни ташкиллаштириш ва ўтказишни ҳамда ҳар бир ходимни иш жойида ТХҚ талабларини сўзсиз бажарилиши бўйича жавобгарликни ошириш.

5. Бўлинмалар бошлиқлари 2020 йил 19.06.га қадар ўз бўлинмаларида кўрикни ўтказиш режа – дастури ишлаб чиқилсин.

6. Ҳар бир техника хавфсизлиги қоидаларини бузилиши яққол ташвиқот воситаларидан фойдаланган ҳолда кенг ошкора қилинсин.

7. Барча аниқланган хатоликларни қатъий ҳисоби юритилсин, ўқув машғулотлари ва режадан ташқари йўриқномаларни ўтказган ҳолда таҳлил қилиш учун.


8. 2020 йил 24.07.га қадар бўлинмалар бўйича кўрик ишлари ўтказилсин ва кўрик натижалари марказий кўрик комиссиясига тақдим этилсин.

9. Корхона бўйича кўрик якунлари 2020 йил 24.07.да Бош директор ҳузурида, кўрик комиссияри вакиллари ва ММ бўйича масъул шахслар иштирокидаги селектор йиғилишда кўрилсин, буйруқ ишлаб чиқилган ва «Иссиқлик электр станциялари» АЖга ҳисобот тақдим этган ҳолда.

10. Цех ва бўлим бошлиқлари мазкур буйруқ барча – ишчи ходимларига етказилсин.

11. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш ишлаб чиқариш бошлиғи Р.Д.Долотқазинга юклатилсин.

Бош директор



В.А. Белоусов

